

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

535 Чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасида давлат ҳисоби ва назоратини олиб бориш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

«Чиқиндилар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5-моддасига мувофиқ ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қонунларнинг ҳаволаки нормаларини амалга оширишга қаратилган норматив-ҳуқуқий ва бошқа ҳужжатларни ишлаб чиқиш режаларини тасдиқлаш тўғрисида» 2013 йил 15 июлдаги ПҚ–2003-сон қарорини бажариш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасида давлат ҳисоби ва назоратини олиб бориш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Вазирликлар ва идоралар ўзлари қабул қилган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда мазкур қарор талабларига мувофиқлаштирсинлар.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қишлоқ ва сув хўжалиги, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ҳамда истеъмол товарлари масалалари ахборот-таҳлил департаментига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2014 йил 27 октябрь,
295-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2014 йил 27 октябрдаги 295-сон қарорига
ИЛОВА

**Чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш
соҳасида давлат ҳисоби ва назоратини олиб бориш
тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

I. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом «Чиқиндилар тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ чиқиндилар билан боғлиқ ишларни олиб бориш соҳасида давлат ҳисоби ва назоратини олиб бориш, шунингдек чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасида давлат ҳисоби ва назоратини юритувчи давлат органларининг фаолияти тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомнинг амал қилиши фаолияти чиқиндиларнинг ҳосил бўлиши, уларни тўплаш, сақлаш, ташиш, кўмиш, қайта ишлаш, утиллаштириш ва сотиш билан боғлиқ бўлган юридик шахсларга татбиқ этилади.

3. Қўйидагилар чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасида давлат ҳисоби ва назоратининг асосий вазифалари ҳисобланади:

хўжалик юритувчи субъектларнинг улар томонидан чиқинди билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасидаги мажбуриятларини бажаришида уларнинг ҳуқуқларига ва қонуний манфаатларига риоя этилишини таъминлаш;

чиқиндиларнинг ҳосил бўлиши, жойлаштирилиши, утиллаштирилиши, сақланиши, кўмилиши ва улардан фойдаланилиши, шунингдек уларни иккиламчи хом ашё сифатида хўжалик ишларига жалб этилиши ҳақидаги маълумотларни тўплаш;

атроф муҳитнинг ифлосланишига ва аҳолининг ҳаёти ва соғлиғига хавф туғдиришга олиб келиши мумкин бўлган ҳалокатли вазиятларнинг олдини олиш;

чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасида қонунчилик талаблари бузилишининг олдини олиш, аниқлаш ва унга барҳам бериш.

4. Давлат ҳисоби ва назоратини амалга оширишда қўйидаги тушунчалар қўлланилади:

чиқиндилар — ишлаб чиқариш ёки истеъмол қилиш жараёнида хом ашё, материаллар, хомлақ маҳсулотлар, бошқа буюмлар ёки маҳсулотларнинг ҳосил бўлган қолдиқлари, шунингдек ўзининг истеъмол хусусиятларини йўқотган товарлар (маҳсулотлар);

токсик чиқиндилар — улар билан ишлаш жараёнида бўлгани каби, ҳаётининг алоҳида даврларида ва кейинги авлодларида ҳам, инсон организми билан бевосита ёки билвосита алоқада бўлганда касалликларни ёки соғ-

ликда, шунингдек атроф муҳитда салбий ўзгаришларни келтириб чиқариши мумкин бўлган, таркибида зарарли моддалар бўлган чиқиндилар;

нотоксик чиқиндилар — таркибида организмнинг физиологик функциялари бузилиши ва атроф муҳит учун салбий оқибатларни келтириб чиқаришга қодир моддалари бўлмаган чиқиндилар;

иккиламчи қайта ишланиши лозим бўлган чиқиндилар — иккиламчи хом ашё сифатида, улардан такроран фойдаланиш мақсадида, саноат йўли билан қайта ишлашга яроқли бўлган чиқиндилар;

иккиламчи қайта ишлаб бўлмайдиган чиқиндилар — таркибида қимматли компонентлари бўлмаган ва саноат йўли билан қайта ишлашга яроқсиз чиқиндилар;

чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш — чиқиндиларнинг ҳосил бўлиши, уларни тўплаб олиб кетиш, сақлаш, ташиш, кўмиб ташлаш, қайта ишлаш, утилизация ва реализация қилиш билан боғлиқ фаолият;

чиқинди билан боғлиқ ишларни амалга ошириш объектлари — чиқиндиларни тўплаш, сақлаш, ташиш, кўмиб ташлаш, қайта ишлаш, утилизация ва реализация қилиш учун фойдаланиладиган объектлар;

чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасида давлат ҳисоби ва назорати объектлари — чиқиндиларни, шунингдек ишлаб чиқариш ва истеъмол чиқиндилари ва ўзининг истеъмол хусусиятларини йўқотган товарлар (маҳсулотлар) чиқиндиларини жойлаштириш, утиллаштириш, сақлаш, кўмиш ва улардан фойдаланиш фаолиятини амалга оширувчи, чиқиндиларнинг мулкдорлари ёхуд эгалари бўлган юридик шахслар;

чиқиндиларни жойлаштириш объекти — чиқиндиларни сақлаш ҳамда кўмиб ташлаш учун махсус ажратилган ва жиҳозланган жой;

чиқиндиларни сақлаш — кўмиб ташлаш, қайта ишлаш ёки утилизация қилиш мақсадида чиқиндилар олиб кетилгунгача уларни махсус жиҳозланган тўплагичларда сақлаш;

чиқиндиларни вақтинча жойлаштириш — чиқиндиларни хўжалик юритувчи субъектлар ҳудудида ушбу мақсадлар учун махсус жиҳозланган ёки бошқа майдонларда, улардан кейинчалик технологик жараёнда фойдаланиш ёки қайта ишлашга, утиллаштириш ёки чиқиндиларни доимий жойлаштириш объектига жўнатиш пайтигача сақлаш;

чиқиндиларни утилизация қилиш — чиқиндилар таркибидан қимматли моддаларни ажратиб олиш ёки чиқиндиларни иккиламчи хом ашё, ёқилғи, ўғит сифатида ва бошқа мақсадларда ишлатиш;

чиқиндиларни қайта ишлаш — чиқиндиларни экологик жиҳатдан хавфсиз сақлаш, ташиш ёки утилизация қилиш мақсадида уларнинг физик, кимёвий ёки биологик хусусиятларини ўзгартириш билан боғлиқ технологик операцияларни амалга ошириш;

ихтисослаштирилган корхоналар — фаолияти чиқиндиларни тўплаш, ташиш, жойлаштириш, қайта ишлаш ва утиллаштириш билан боғлиқ бўлган хўжалик юритувчи субъектлар.

II. Чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасида давлат ҳисоби ва назорати субъектлари

5. Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, «Саноатгеоконтехназорат» давлат инспекцияси ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасида тегишли ваколатларга эга бўлган давлат ҳисоби ва назоратини олиб боровчи субъектлар ҳисобланади.

6. Чиқиндиларнинг эгалари бўлган юридик шахслар ва ихтисослаштирилган корхоналар чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасида дастлабки ҳисобга олиш ва назорат субъектлари ҳисобланади.

Чиқинди билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасида дастлабки ҳисобга олиш ва назорат субъектлари қуйидагиларга мажбур:

токсик ва нотоксик чиқиндилар ҳисобини юритиш, белгиланган тартибда давлат статистика ҳисоботини тақдим этиш;

чиқиндиларни тўлиқ утиллаштириш, уларни бошқа ихтисослаштирилган корхоналарга сотиш ёки бериш чора-тадбирларини кўриш;

чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш борасида ушбу Низом талабларига мувофиқ ички тартибни ўрнатиш;

чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга оширишнинг идоравий ва ҳудудий дастурлари бажарилишини таъминлаш.

7. Чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасида дастлабки ҳисобга олиш ва назоратни олиб бориш субъектлари ҳисобот йили якунига қўра, чиқиндиларнинг ҳосил бўлиши, жойлаштирилиши, улардан фойдаланилиши ёки уларни ихтисослаштирилган корхоналарга қайта ишлаш, утиллаштириш, қўмиш учун берилиши ҳақидаги давлат статистика ҳисоботини Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси томонидан ишлаб чиқилган шаклларга мувофиқ белгиланган тартибда тақдим этадилар.

Статистика ҳисоботи электрон шаклда, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг ҳудудий органлари билан келишилгандан сўнг, ҳудудий статистика органларига юборилади.

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг ҳудудий органлари чиқинди билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасида дастлабки ҳисобга олиш ва назорат субъектлари томонидан электрон шаклда тақдим этиладиган статистика ҳисоботлари кўриб чиқилиши ва келишилишини уч кун муддатда таъминлайдилар.

8. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси белгиланган тартибда:

чиқинди билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасидаги давлат статистика ҳисоботи шаклини ишлаб чиқади ва тасдиқлайди;

статистика ҳисоботларини умумлаштиради ва чиқиндиларнинг ҳосил бўлиши, утиллаштирилиши ва улар билан боғлиқ ишларнинг амалга оширилишини таҳлил ва назорат қилиш ҳамда маълумотларнинг электрон базасини яратиш учун Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасига юборади.

III. Чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасида давлат ҳисоби ва назорати

9. Чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасидаги давлат ҳисоби ва назорати ушбу Низомга 1-иловадаги схемага мувофиқ таъминланади.

10. Чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасидаги давлат ҳисоби қуйидаги йўллар билан амалга оширилади:

технологик тартибни, чиқиндиларнинг ҳосил бўлиш участкалари бўйича алоҳида — рўйхатга олиш ҳужжатларини, хом ашё ресурслари ҳаракатининг моддий балансини ва чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш, зарарсизлантириш ва утиллаштиришнинг шартномавий муносабатларни ўз ичига олувчи дастлабки ҳужжатларини юритиш;

чиқиндиларнинг ҳосил бўлиши ва жойлаштирилишининг экологик нормативларини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 21 январдаги 14-сон қарори билан тасдиқланган Экологик нормативлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва келишиш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ белгилаш;

чиқиндиларни паспортлаштириш;

чиқиндиларни экологик сертификатлаштириш;

чиқиндиларни кўмиш ва утиллаштириш жойларининг давлат кадастрини юритиш;

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси томонидан тасдиқланадиган шаклга мувофиқ давлат статистика ҳисоботини юритиш.

11. Давлат ҳисоби токсик ва нотоксик чиқиндилар, шу жумладан мазкур Низомга 2 ва 3-иловалардаги рўйхатларга мувофиқ, қайта ишланиши лозим бўлган чиқиндилар бўйича ҳам юритилади.

2 ва 3-иловаларда келтирилган Чиқиндилар рўйхатларига киритиладиган ўзгартириш ва қўшимчалар Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Давлат статистика қўмитаси билан келишилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси Ҳайъати қарори билан тасдиқланади.

12. Чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасида давлат назорати:

юридик шахслар томонидан атроф муҳит муҳофазаси қонунчилигининг чиқинди билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасидаги талабларига риоя этилишини текшириш;

субъектлар томонидан тақдим этиладиган чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасида дастлабки ҳисобга олиш ва назорат бўйича статистика ҳисоботини келишиш;

чиқиндилар билан боғлиқ ишларнинг амалга оширилиши мониторингини олиб бориш йўли билан амалга оширилади.

13. Чиқиндилар билан боғлиқ ишларнинг амалга оширилиши мониторинги Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмита-

си ва унинг ҳудудий бўлинмалари томонидан, Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгаши билан келишилмаган ҳолда амалга оширилади.

Мониторинг чиқиндиларнинг амалда ҳосил бўлган ҳажмлари, чиқиндиларнинг ҳосил бўлиш манбалари хатлови материалларида назарда тутилган уларни вақтинча сақлаш жойлари, қайта ишлаш ва утиллаштириш усулларининг мослигини аниқлаш мақсадида, чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш объектларини кўздан кечириш йўли билан амалга оширилади ва маъмурий жазо чоралари кўрилишига сабаб бўлмайди.

IV. Махсус ваколатли давлат органларининг чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасида давлат ҳисоби ва назорати бўйича вазифалари

14. Чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасида давлат ҳисоби ва назорати «Чиқиндилар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига, ушбу Низомга ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ, чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасидаги махсус ваколатли давлат органлари томонидан, уларнинг ваколатларига мувофиқ амалга оширилади.

15. Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва унинг ҳудудий бўлинмалари:

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан ишлаб чиқилган чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш идоравий ва ҳудудий дастурларини келишадилар;

чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш бўйича ишлаб чиқариш, идоравий, ҳудудий дастурларнинг бажарилиши юзасидан назоратни амалга оширадилар;

токсик ва нотоксик, шу жумладан иккиламчи қайта ишланиши, утиллаштирилиши ва қўмилиши лозим бўлган чиқиндиларнинг ҳосил бўлиши ҳақидаги маълумотларнинг электрон базасини яратадилар.

16. Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари:

чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш тўғрисидаги қонунчиликка амал қилиниши юзасидан назоратни амалга оширадилар;

чиқиндиларни тўплаш ва утиллаштириш корхоналарини ташкил этишда қўмаклашадилар.

17. Маълумотлар базасидаги умумлаштирилган тарздаги маълумотлар:

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан — чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш тўғрисидаги қонунчилик талабларига риоя этилиши юзасидан назоратни амалга ошириш ҳамда чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасидаги махсус ваколатли давлат органлари фаолиятини мувофиқлаштириш учун;

Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан — атроф муҳитнинг кимёвий

ва бактериологик ифлосланиши, чиқинди билан боғлиқ ишларни амалга оширишда белгиланган санитария меъёр ва қоидаларига риоя этилиши юзасидан назоратни амалга ошириш, шунингдек фуқаролар ҳаёти ва соғлиғини чиқиндиларнинг зарарли таъсиридан муҳофаза қилиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш учун;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ер қаърини геологик ўрганиш, саноатда, кончиликда ва коммунал секторда ишларнинг беҳатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси томонидан — кончилик саноатида ва кон қазилмаларини қайта ишлаш корхоналарида чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасида назорат учун;

Иқтисодиёт вазирлиги томонидан — моддий балансларни шакллантиришда;

махаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан — чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасидаги умумдавлат дастурлари чора-тадбирлари бажарилишини таъминлаш, тегишли ҳудудда чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш объектларини жойлаштириш масалаларини ҳал этиш учун фойдаланишга мўлжалланади.

Токсик ва нотоксик, шу жумладан иккиламчи қайта ишланиши, утиллаштирилиши ва кўмилиши лозим бўлган чиқиндиларнинг ҳосил бўлиши ҳақидаги маълумотларнинг электрон базаси чиқиндиларни қайта ишлашни амалга оширувчи ихтисослаштирилган корхоналар учун очик бўлиши керак.

18. Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси белгиланган тартибда, маълумотлар базасидан умумлаштирилган тарздаги ахборотни ҳар йили, ушбу Низомнинг 17-бандида кўрсатилган вазирликлар ва идораларга юборади.

V. Якунловчи қоидалар

19. Чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасидаги келишмовчиликлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.


20. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

Чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасида давлат ҳисоби ва назоратини олиб бориш тартиби тўғрисидаги низомга
1-ИЛОВА

**Чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасида
давлат ҳисоби ва назоратини олиб бориш
СХЕМАСИ**



Натижаларни амалга ошириш



Чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасида давлат ҳисоби ва назоратини олиб бориш тартиби тўғрисидаги низомга
2-ИЛОВА

**Токсик чиқиндилар
РЎЙХАТИ**

T/p	Чиқиндилар номи
Қайта ишланмайдиган чиқиндилар:	
1.	Хлорорганик моддалар
2.	Олти валентли хром
3.	Куб(нил) қолдиқлари
4.	Маргимуш
5.	Сульфат кислота
6.	Асбест
7.	Фтор
8.	Фосфор
9.	Тери чанги (уни)
10.	Битум шимдирилган рубероид, толь ва қоғоз чиқиндилари
11.	Асбест ва асбоцементнинг бўлак-бўлак шаклдаги чиқиндилари
12.	Асбоцемент, асбест чанги ва толаси
Қайта ишланиши керак бўлган чиқиндилар:	
1.	Таркибида симоб бўлган чиқиндилар
2.	Ишлатилган нефть маҳсулотлари
3.	Нефть шламлари
4.	Қўрғошин
5.	Ўсимлик ёғи ва ҳайвон ёғлари ишлаб чиқаришда ускуналарни ювишда ҳосил бўладиган ёғсимон эмульсиялар
6.	Мис
7.	Рух
8.	Тери орқасидаги эт қатлами (мездра), хромланган тери чиқиндилари, терини сайқаллашда ҳосил бўладиган шламлар
9.	Қора металлarnи силиқлашда ҳосил бўладиган абразив чанг ва кукун (таркибида металл 50 % дан кам)
10.	Мазут, бензин ёки мой билан ифлосланган кум (таркибида мазут, бензин ёки мой 15 % ва ундан ортиқ)

Чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасида давлат ҳисоби ва назорати-ни олиб бориш тартиби тўғрисидаги низомга
3-ИЛОВА

Нотоксик чиқиндилар
РЎЙХАТИ

T/p	Чиқиндилар номи
Қайта ишланмайдиган чиқиндилар:	
1.	Дон чанги
2.	Қаҳва, чой, зираворлар чанги (кукуни)
3.	Кондицияланмаган қаҳва, чой, хушбўй қилиш учун овқатга солинадиган дориворлар (зираворлар) донлари
4.	Нон пишириш ва пиво ишлаб чиқаришда ҳосил бўладиган ачитқилар
5.	Ишлатилган ўсимлик мойлари
6.	Ишлов берилмаган, кондицияланмаган терилар, шунингдек уларнинг қолдиқлари ва қийқиндилари; хромсиз ошланган чарм чиқитлари; пойабзал ишлаб чиқаришда қаттиқ чарм товарлари қийқиндилари; истеъмол хусусиятларини йўқотган иш чарм пойабзали
7.	Ишлатиб бўлинган ва брак қилинган, антисептик воситалар шимдирилган темир йўл ёғоч шпаллари; минерал мойлар ва бензин билан ифлосланган ёғоч кипиқлари ва қириндилари (таркибида мойлар ва бензин 15% ва ундан кўп)
8.	Лок сурилган қоғоз; елимланадиган лента қоғозлар, фотоқоғоз чиқитлари
9.	Битум шимдирилган рубероид, толь ва қоғоз чиқиндилари
10.	Фойдаланилмаган кварц тигелларининг синган парчалари
11.	Алюминий ишлаб чиқаришда ишлатилган футеровкаларнинг синиқ парчалари
12.	Ёғоч ва сомон кули
13.	Шиша толаси чиқиндилари
14.	Қуймачилик ишлаб чиқаришининг горн қуми; тозалаш ва қумпурагич қурилмаларидаги қум қолдиқлари (металлургия соҳасида)
15.	Керамзитнинг бўлак-бўлак шаклидаги чиқиндилари
16.	Керамзит чанги
17.	Кулолчилик(керамика)нинг бўлак-бўлак шаклидаги чиқиндилари; истеъмол хусусиятларини йўқотган кулолчилик буюмлари
18.	Кулолчилик чанги
19.	Шиша чанги
20.	Асбоцементнинг бўлак-бўлак шаклидаги чиқиндилари
21.	Асбоцемент чанги
22.	Чиқиндилар; шлаквата чанги; базальтли ўта ингичка тола қолдиқлари
23.	Асфальтбетон ва/ёки асфальтбетон аралашмасининг чанг ёки бўлак шаклидаги чиқиндилари
24.	Асбестнинг бўлак-бўлак шаклидаги чиқиндилари; асбест қоғоз чиқиндилари; асбест ушоқлари чиқиндилари
25.	Асбест чанги ва тола

Т/р	Чиқиндилар номи
26.	Ишлатиб бўлинган чарх абразив айланмалар, силлиқлашдан қоладиган, қозонхона қайнаганда қоладиган чиқиндилар
27.	5 мм дан катта бўлмаган майда кокс бўлаклари
28.	Кокс чанги
29.	Бўлак-бўлак шаклдаги цемент чиқиндилари
30.	Сир (эмал) чанги
31.	Ҳаво ва газларни қуриштида ишлатилган цеолит, алюмогель, силикагель
32.	Минерал мойлар билан ифлосланмаган (мой миқдори — камида 15%), қайта ишланган актив кўмир, кўмирли филтрлар ва коксли масса
33.	Минерал мойлар билан ифлосланмаган (мой миқдори — камида 15% ва ундан кўп), қайта ишланган актив кўмир, кўмирли филтрлар ва коксли масса
34.	Шакар ишлаб чиқаришда қўлланилган лавлаги шарбатини тозалашдаги ишқор шламлари; сабзавотлар (лавлаги, картошка) ювилгандан кейинги шламлар; шакар ишлаб чиқаришдаги филтрлаш қолдиқлари; кремний ишлаб чиқаришда газ тозалашдан қолган минерал шламлар
35.	Автомобилларнинг ўт олдирувчи свечаларининг ишлатиб бўлинганлари
36.	Қора металл керамикалар бўлаклари ва чиқиндилари
37.	Ишлатилган тормоз колодкалари
38.	Металл заки, металл ўқлар билан ишлов берилган шлак қобиғи аралашган металл; таркибида металл 50% ва ундан кўп бўлган қора металлларни силлиқлашдан чиққан чанг ёки кукун
39.	Силлиқланган материаллар ишлаб чиқаришдаги ферропрасли суюқ металл қаттиқ минерал бўлаклари
40.	Таркибида симоб бўлган (истеъмолга яроқсиз ҳолга келган анжомлар, қурилмалар, жиҳозлар) барча чиқиндилар, люминесцент лампалардан ташқари
41.	Мис қотишмаси, бронза ва жез ломлари, қотишмалар; қипиқлар, мис қуйиш, бронза ва ифлосланмаган қириндилари
42.	Мис қотишмаси, бронза ва ифлосланмаган жез чанглари
43.	Мис қотишмаси, бронза, жезнинг аралашган ёки ифлосланган лом ва чиқиндилари
44.	Мис қотишмаси, бронза ва жезни силлиқлашда чиқадиган, таркибида металл 50% ва ундан кўп бўлган чанг (кукун)
45.	Ишқорнинг қаттиқ ҳолдаги чиқиндилари
46.	Қаттиқ ҳолатдаги кўрғошин тузи, мис хлориди чиқиндилари; мисга ишлов беришда ишлатилган аммиакли эритмалар; таркибида фтор тузи бўлган чиқиндилар; алюминий ишлаб чиқаришда электролит эритмаси
47.	Маргимуш тузларининг қаттиқ ҳолатдаги чиқиндилари
48.	Сульфат кислота электролити шлами
49.	Ишлатилган аккумулятор сульфат кислотаси
50.	pH = 9,0 — 10,0 ли натрий ва калий гидрооксиди чиқиндилари
51.	pH = 10,1 — 11,5 ли натрий ва калий гидрооксиди чиқиндилари
52.	pH > 11,5 ли натрий ва калий гидрооксиди қолдиқлари; ишлатилган аккумулятор ишқорлари
53.	Нефттутқишлар (бензинтутқишлар)дан қалқиб чиқувчи плёнка, нефть ажратувчи қурилмалар шлами, таркибида мой бўлган силлиқловчи шлам, қувур-

Т/р	Чиқиндилар номи
	лар ва нефтдан чиққан смола, кислотали катрон идишларини (бочкалар, контейнерлар, цистерналар, гудронаторларни) тозалаш учун шламлар чиқиндилари
54.	Қаттиқ холдаги битум ва асфальт чиқиндилари
55.	Мой билан ифлосланган (таркибида 15% дан кам мой бўлган) тозаловчи материал
56.	Мой билан ифлосланган (таркибида 15% дан кўп мой бўлган) тозаловчи материал
57.	Ёғ теккан металл заки; ёғ теккан каноптола; ёғланган асбест-графит (таркибида 15% дан кам мой бўлган) сальникли тикма
58.	Ёғ теккан металл заки; ёғ теккан каноптола; ёғланган асбест-графит (таркибида 15% дан кўп мой бўлган) сальникли тикма
59.	Ацетон қолдиқлари, истеъмол хоссасини йўқотган этилацетат, этиленгликол, бензол, диэтил эфири, пиридин, сульфат углерод, толуол, ксилол чиқиндилари
60.	Истеъмол хоссасини йўқотган крезол қолдиқлари; таркибида суюлтирилгичлар бўлган шламлар чиқиндилари
61.	Қаттиқ мураккаб полиэфирлар чиқиндилари; истеъмол хоссасини йўқотган синтетик шнурлар; қолипчи қотиб қолган оғирликлар (иссиқлик реактив пластмассалар) чиқиндилари; қаттиқ полистирол кўпиги ёки плёнка чиқиндилари; тўқима ва қоғоз асосда клёнка чиқиндилари; қотиб қолган полиуретан кўпиги ёки плёнка чиқиндилари; қотиб қолган полиамидлар, поливинилацетат, қаттиқ пенопласт (поливинилхлориддидан ташқари) поливинил спирти чиқиндилари; истеъмол хоссасини йўқотган пластмасса шланглар; қотиб қолган полиакрилат, поликарбонат, органик шиша чиқиндилари; поливинилацетат чиқиндилари; ичимлик сувини юмшатиш учун истеъмол хоссасини йўқотган сув тайёрлаш учун ион алмашиниш смолалари; имидофлекс чиқиндилари; шишаслюдопласт чиқиндилари; қотиб қолган бирикма, қотиб қолган этрол (целлюлоза эфири асосидаги пластмасса) чиқиндилари; қаттиқ акрилонитрилбутадиенстирол (пластик АБС), целлулоид, целлофан, полиэтилентерефталат (жумладан унинг асосидаги плёнкалар) чиқиндилари
62.	Плёнкали-синтетик картон, плёнкали-асбестли картон чиқиндилари; фото ва киноплёнка, рентген плёнкаси чиқиндилари; қотган поливинилхлорид ва унинг негизидаги пенопласт чиқиндилари; шишали-лакки мато чиқиндилари; қотган ҳар хил пластмассалар аралашмаси чиқиндилари
63.	Жун толаси чиқиндилари (шу жумладан тараш, йигириш чиқиндилари ва титилган хом ашё); титилган момиқ, чалкашма; аралаш тола чиқиндилари; чилвир ва арқонлар чиқиндилари; кигиз ва намат қийқимлари; полиэфир, полиакрил тола ва иплари чиқиндилари; целлюлоза толаси чиқиндилари
64.	Полихлорланган дифенил ва терфениллар, полибромланган дифениллар чиқиндилари, шунингдек улардан иборат бўлган модда ва маҳсулотлар чиқиндилари (синтетик ва минерал мойлар чиқиндиларидан ташқари); таркибига трихлордифенил, пентохлордифенил кирувчи ишлатиб бўлинган конденсаторлар; пентохлордифенилли ишлатиб бўлинган трансформаторлар
65.	Ишлатиб бўлинган ва брак электр қиздириш лампалари

Т/р	Чиқиндилар номи
Қайта ишланиши керак бўлган чиқиндилар:	
1.	Донни механик тозалашдаги чиқинди, хамир, кепак чиқиндилари
2.	Сабзавот ва меваларни қайта ишлаш чиқиндилари
3.	Омихта ем чанги
4.	Ҳайвонот хўжаликларидаги қорамол ва қўй-эчкилар, отларнинг чириган гўнги, товуқ тухуми пўчоғи; парранда, ҳайвонлар гўштини ишлатишдан қолган чиқиндилар
5.	Чўчканинг янги гўнги, товуқ, ўрдак чиқиндилари
6.	Ҳайвонот хўжаликларидаги қорамол ва қўй-эчкилар, отларнинг янги гўнги, чўчқаларнинг чириган гўнги; товуқ, ўрдакнинг чириган чиқиндилари, пат ва пар чиқиндилари
7.	Кўмирни (Ангрен кўмирини) ёқишдан чиққан кул-шлаклар
8.	Таркибида ўсимлик мойи ва ҳайвон ёғлари бўлган эмульсия ва аралашмалар
9.	Ўсимлик ёғи ва ҳайвон ёғлари ишлаб чиқариш чиқиндилари
10.	Ўсимлик ёғи ва ҳайвон ёғлари ишлаб чиқариш шламлари
11.	Мойли уруғлар, кунгабоқар кунжараси пўчоғи чиқиндилари
12.	Чигит кунжараси
13.	Таркибида мой бўлган гилни оқартирувчи чиқиндилар
14.	Ишлатилган ўсимлик ёғи
15.	Пахта тахтакунжараси
16.	Ишлов берилган ва қайта ишланган ёғоч чиқиндилари
17.	Ёғоч кесиш ва тайёрлаш чиқиндилари
18.	Солод ва қулмоқ чиқиндилари
19.	Солод чанги
20.	Целлюлоза ишлаб чиқариш чиқиндилари
21.	Целлюлозани қайта ишлаш чиқиндилари
22.	Майда тамаки қолдиқлари
23.	Тамаки чанги
24.	Печка синиқлари, металлургия ва қуйиш шағаллари
25.	Металлургия шлаклари, чанг ва тўзонлари
26.	Ёндириш ускуналаридан ҳосил бўладиган кул ва чанг
27.	Минерал шламлари
28.	Қора металлни силлиқлашдан ҳосил бўладиган абразив чанг ва кукун (таркибида металл 50% дан кам)
29.	Кўмир чанги
30.	Мазут, бензин ёки ёғ (таркибида мазут, бензин ёки ёғ камида 15% ва ундан кўп) билан ифлосланган қум
31.	Нефть ва газ қазиб олишдаги чиқиндилар
32.	Кўмир ва ёнувчи сланецлар қазиб олиш чиқиндилари
33.	Металл шламлари
34.	Қора ва рангли металл парчалари ва чиқиндилари
35.	Гальваник шламлар
36.	Ҳайвонлар ва қушлар гўштлирини қайта ишлаш чиқиндилари
37.	Пар ва патлар чиқиндилари
38.	Хом тери

Т/р	Чиқиндилар номи
39.	Тери қипиғи (уни)
40.	Таркибида симоб бўлган барча чиқиндилар (истеъмол хоссасини йўқотган буюмлар, қурилмалар, асбоблар)
41.	Ишлатилган, механик ишлов бериш учун мотор, автомобиль, дизель, авиация, индустрия, трансмиссия, компрессор, турбина, силикон, мойлаш-совутиш мойлари
42.	Ишлатилган, таркибида галогенлар бўлмаган трансформатор, полихлорланган дифениллар ва терфиниллар; ишлатилган, таркибида галогенлар ва уларнинг қолдиқлари бўлмаган гидравлик моддалар чиқиндилари
43.	Ишлатилган, таркибида галогенлар бўлган трансформатор ва иссиқлик берувчи мойлар; ишлатилган, таркибида галогенлар ва уларнинг қолдиқлари бўлган гидравлик мойлар чиқиндилари
44.	Ишлатилган, таркибида полихлорланган дифениллар ва терфениллар бўлган трансформатор мойлари; ишлатилган, таркибида полихлорланган дифениллар ва терфениллар бўлган, ишлатилган мойлар ва уларнинг қолдиқлари
45.	Металларни силлиқлаш учун ишлатилган, таркибида камида 15% мой ёки нефть маҳсулотлари бўлган эмульсиялар ва эмульсияли аралашмалар чиқиндилари
46.	Металларни силлиқлаш учун ишлатилган, таркибида камида 15% ва ундан кўп мой ёки нефть маҳсулотлари бўлган эмульсиялар ва эмульсияли аралашмалар чиқиндилари
47.	Истеъмол хоссаларини йўқотган ифлосланмаган резина маҳсулотлари
48.	Резина увоқлари, резинали скрап
49.	Резина қийқимлари
50.	Резина-металл чиқиндилар
51.	Ишлатиб бўлинган пневматик шиналар; ишлатиб бўлинган пневматик камералар; ишлатиб бўлинган покришкалар; ишлатиб бўлинган мато кордли покришкалар; ишлатиб бўлинган металл кордли покришкалар
52.	Истеъмол хоссаларини йўқотган грануланган полиэтилен, полипропилен, поливинилхлорид, терефталат
53.	Брак қилинган полимер буюмлар
54.	Плёнкали ва енг полимер қийқимлари
55.	Яроқсиз ҳолга келган полимер идишлар
56.	Жун толаси чиқиндилари (шу жумладан тараш, йигириш чиқиндилари ва титилган хом ашё); титилган момиқ, чалкашма, аралаш тола чиқиндилари; чилвир ва арқонлар чиқиндилари; полиэфир, полиакрил тола ва иплар чиқиндилари
57.	Пахта чанги